

## **СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ**

*Меҳмононов Азизбек Якубович*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мазкур мақолада сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг исботлаш жараёнидаги аҳамияти борасида хорижий ва мамлакатимиз олимларининг фикр ва мулоҳазалари таҳлил қилинган, сўроқ қилиш жараёнида эътибор берилиши лозим бўлган ҳолатлар, уни режалаштириш хусусиятлари, сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг бошқа тергов ҳаракатлари билан боғлиқлиги юзасидан фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида мазкур тергов ҳаракатининг ўзига хос жиҳатларини акс эттириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тергов, далил, исботлаш, маълумот, тактика, усул, жиноят, мулоқот, психолог, хулоса, фуқаро, хавфсизлик, баённома, расмийлаштириш.

Сўроқ қилиш исботлаш жараёнида энг муҳим далилларнинг қўлга киритиш воситаси саналади. Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал тартиби ва тактикаси ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу тергов ҳаракатини тўғри ўтказиш ва уни ўтказиш сифатини доимий равишда ошириш имконини беради. Сўроқ жараёнида оғзаки мулоқотдан ташқари, оғзаки бўлмаган мулоқот ҳам муҳим бўлиб, уни амалга ошириш ушбу тергов ҳаракати психологиясини таҳлил қилиш асосидагина мумкин бўлади. Зотан, сўроқ қилиш иш учун аҳамиятли маълумотларга эга шахсдан ушбу маълумотларни мулоқот қилиш орқали олиш, таҳлил қилиш жараёнида рўй берадиган психик ҳодисалардан иборат ҳаракат ҳисобланади [1]. Сўроқ қилиш мақсадига эришиш учун тергов ҳаракатини тўғри ташкил этиш, аниқроғи мақсадга элтувчи тактик усулни танлаш муҳим омил саналади. С.П. Желтобрюховнинг таъбири билан айтганда сўроқ қилиш мақсадига

эришиш бу – иш бўйича ишончли маълумот олиш учун терговчи сўроқ қилинаётган шахсга барча ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда жуда мослашувчан таъсир кўрсатиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси, биринчи навбатда, сўроқ қилинаётган шахснинг тергов қилинаётган ҳодисага нисбатан қандай позицияни эгаллашига, сўроқ пайтида қандай вазият юзага келишига қараб белгиланади - зиддиятли ёки зиддиятсиз. Муайян вазиятга қараб, терговчи тегишли сўроқ қилишнинг тактик усулларини танлайди [2]. Ўз навбатида И.П. Ишченко сўроқ қилишнинг тактик усули – бу “криминалистиканинг тоифаси бўлиб, у шахс томонидан қасддан ёки онгсиз равишда яратилган, кутилган ёки аллақачон юзага келган “тўсиқларни” бартараф этиш учун сўроқ қилувчи томонидан сўроқ қилиш вазифаларига эришиш мақсадида ушбу шахсга мақбул психологик таъсир кўрсатиш орқали қўлланиладиган илмий асосланган тавсиядир” [3] деб эътироф этади. Шу ўринда, Л.В. Бертовскийнинг сўроқ қилиш тактикасига берган таърифи эътиборга лойиқ бўлиб, унга кўра, “сўроқ қилиш тактикаси - бу жиноят процесси нормаларига асосланган, объектив, тўлиқ ва ишончли кўрсатмалар олишни таъминлайдиган энг оқилона усуллар ва услублар тизими” ҳисобланади[4]. Т.Б. Маматкулов, Ш.Т. Джуманов, А.А. Таджиев ва бошқаларнинг наздида сўроқ қилиш тактикаси – бу жиноят ишининг хусусиятлари, сўроқ қилинувчининг шахси ва сўроқ қилиш шароитлари билан мутаносиб бўлган энг омилкор усуллар йиғиндиси ҳисобланади [5]. Бу иборани оддий таҳлил қилиш унинг “тактика” сўзи тушунчаси билан боғлиқлигини кўрсатади. Тактика бу - белгиланган мақсадга эришиш учун ишлатилладиган восита ва усуллар мажмуаси ҳисобланади [6]. Ўз ўрнида восита деганда эса бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қурол, чора, тадбир, усул тушунилади [7]. Усул эса бирор нарсани юзага чиқариш, амалга ошириш йўли; ҳаракат тарзи, хили, тартиби демакдир. Тактик усул эса тергов қилувчи шахснинг маълум шароитларда амалга оширадиган энг фаол ва натижали ҳаракати ёки муносабат ўрнатишда танлаган

йўли саналади[8]. Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўроқ қилишнинг тактик усули терговчининг сўроқ қилиш мақсадларига эришишга қаратилган ҳаракатланиш йўли деган хулосага келсак бўлади. Бу борада биз И.П. Ишченко томонидан илгари сурилган сўроқ қилиш тактикаси таърифига қўшила олмаймиз. Биринчидан, сўроқ қилиш тактикаси фақатгина психологик таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилмайди. Иккинчидан, тактика илмий асосланган тавсия эмас, балки усул ва услублар йиғиндиси ҳисобланади. Л.В. Бертовский, Т.Б. Маматкулов ва бошқаларнинг таърифига келсак, улар томонидан келтирилган таърифларни қисман қўллаб-қувватлаймиз, лекин тўлиқ деб айта олмаймиз. Чунки Л.В. Бертовский ўз таърифида сўроқ қилиш тактикаси жиноят процесси нормаларига асосланиши лозимлигини кўрсатиб ўтган бўлсада, кўрсатмалар олишни таъминлайдиган усуллар ва услублар тизимини мукамал тарзда ёритмаган. Т.Б. Маматкулов ва бошқалар эса фақатгина умумий жиҳатларига эътибор қаратишган холос. Эътиборли томони, юқоридаги таҳлиллар сўроқ қилишнинг психологик асослари сўроқ қилиш тактикасининг ажралмас бир қисми деган хулосага келишимизга турки бўлади. Шулардан келиб чиқиб, сўроқ қилиш тактикасини ёритишга эътибор қаратишимиз мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қонунийлик, фаоллик, мақсадга мувофиқлик, холисоналик, тўлиқлик ва сўроқ қилинувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш сўроқ қилиш тактикасининг умумий қоидалари саналиб, улар сўроқнинг барча босқичларида амалга оширилади. Сўроқнинг қонунийлиги сўроқ қилувчи томонидан уни ўтказишнинг барча процессуал кафолатларини қатъий бажаришини англатади. Тергов ҳаракатларини, шу жумладан сўроқни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан белгиланади. Жиноят-процессуал кодекснинг нормалари суриштирувчи ва терговчининг жиноий процесс иштирокчилари билан муносабатларини тартибга солади. Зотан, терговчи томонидан жиноятни очиш, айбдорларни фош этиш ва ишнинг барча ҳолатларини аниқлаштириш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиш асосида амалга ошириладиган фаол чора-тадбирларнинг

кўрилиши фуқароларнинг дастлабки тергов ва жиной иш юритишнинг мақсадга мувофиқ ва холислигига қатъий ишончини шакллантиришга ёрдам беради [9]. Бироқ, процессуал нормалар талабларига пухта риоя қилиш ҳали қонунга риоя қилишнинг тўлиқ кафолатини англатмайди. Айрим ҳолларда қонун терговчига муқобил қарор қабул қилиш имкониятини беради. Демак, қонунийлик деганда, Н.И. Порубов айтганидек, фақат қонуннигина эмас, балки унинг маъносига ҳам қатъий амал қилиш тушунилиши керак [10]. Фаоллик деганда сўроқнинг шиддатлилиги, объектив натижаларга эришишда терговчи ташаббусининг устунлиги, сўроқ қилинаётган шахснинг ақлий фаолиятини рағбатлантирибгина қолмай, балки уни холис маълумот беришга мажбурловчи самарали тактикалардан фойдаланиш тушунилади. Сўроқнинг фаоллиги бевосита терговчининг коммуникатив алоқаларни яратишни таъминлайдиган психологик фазилатларига боғлиқ бўлиб, улар хушмуомалалик, ҳиссий барқарорлик, хотиржамлик, одамлар билан гаплаша олиш, уларнинг аҳволини тўғри тушуна олиш, ишонч билан гапириш ва диққат билан тинглаш қобилиятларидир. Буларнинг барчаси терговчини тергов ҳаракатининг фаол иштирокчисига, яъни тергов қилинаётган ҳодиса ва унинг иштирокчилари тўғрисида янги маълумотларни олишда, сўроқ қилинувчи томонидан тақдим этилган маълумотни пассив қайд этувчиси бўлмаган ҳолда, қатъий белгиланган йўналиш бўйича суҳбат ўтказишга қодир бўлган ҳолатга келтиради. Мақсадлилиқ сўроқ предмети билан билвосита боғлиқ бўлган иккинчи даражали маълумотни эмас, балки аниқ маълумотларни олиш учун олдиндан белгиланган ва ишлаб чиқилган мақсад билан тергов ҳаракатини ўтказишни ўз ичига олади. Мақсадлилиқ терговчининг сўроқ қилинаётган нарса ҳақидаги билимини, мақсадга эришиш истагини, қатъий белгиланган йўналишда тактикани амалга ошириш қобилиятини англатади. Терговчи маълум бир натижага эришиш учун қандай саволлар ва қандай кетма-кетликда берилиши, қандай далиллар ва қайси вақтда тақдим этилиши кераклигини аниқ билиши керак. Сўроқнинг холисоналиги терговчининг холис, беғараз позицияси, олинган кўрсатувларни ўз

хошишига кўра қисқартириш, уларнинг мазмунини иштирокчиларнинг ўз эътиқодлари ёки тергов қилинаётган воқеа ҳақидаги ғояларига, хатти-ҳаракатларига мувофиқ ўзгартиришга қизиқишнинг йўқлиги билан таъминланади. Терговчи, шунингдек, сўроқ қилинаётган шахсдан ўз позициясига мослаштириб кўрсатув олишга, шунингдек, йўналтирувчи саволлар беришга ҳақли эмас[11].

Сўроқнинг тўлиқлиги шундан иборатки, терговчи сўроқ қилинувчининг кўрсатмаларини том маънода, энг юқори даражада тафсилотларга бой (сўроқ баённомасидан ташқари бошқа қайд қилиш воситаларидан фойдаланган ҳолда) тарзда ифодалайди. Сўроқ қилиш тактикаси сўроққа тайёргарлик кўриш; сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатиш; эркин сўзлаб бериш; сўроқ қилинувчига саволлар бериш; сўроқ қилинаётган шахсни баённома ва унинг кўрсатувлари қайд қилинган аудио ва (ёки) видеоёзув билан таништириш кабиларни ўз ичига олади. Сўроқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг пухта тайёрланишига боғлиқ. Сўроққа тайёргарлик деганда сўроқнинг самарали бўлишини таъминлаш ва терговчининг вақтини тежаш мақсадида кўриладиган дастлабки чора-тадбирлар мажмуи тушунилиши керак. Терговчи учун бу сўроқ қилинаётган шахс ўз ишхонасига келган пайтдан бошлаб эмас, балки у содир этилган жиноят, ишнинг моҳияти, сўроқ қилинувчининг шахси ва уни сўроқ қилиш зарурлиги тўғрисида билиб олган пайтдан бошланади. Сўроқнинг муваффақияти учун яна бир асосий омил терговчи томонидан ҳолатга қараб тўғри тактик усул танлашга ҳам боғлиқ. Мисол учун, сўроққа тайёргарлик босқичида сўроқ қилишнинг тактик усули сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш, у билан психологик алоқа ўрнатиш, унинг сўроқ предмети ва ишда иштирок этувчи шахсларга муносабатини аниқлаш ва ниҳоят мос тактика танлаш учун қўлланилади. Эркин сўзлаб бериш босқичида эса тўлиқ ва объектив далилларни олиш учун фойдаланилади. Сўроқ қилинувчига саволлар бериш босқичида сўроқнинг зиддиятли ёки зиддиятсиз бўлишига қараб тактика қўлланилади. Агар сўроқ зиддиятсиз бўлса, унда тактик усул янги далилларни олишга қаратилади.

Аксинча бўлса, фикримизча тактика усуллар терговчида қандай далил борлигига қараб қуйидагича таснифланади: 1) *гумон қилинувчини тўлиқ фош қилувчи далиллар мавжуд бўлса*; 2) *далиллар етарли бўлмаса*; 3) *фақат аниқ далилларга асосланган шубҳалар мавжуд бўлса*.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Б.Н.Сирлиев ва бошқалар. Дастрлабки тергов фаолияти психологияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 29 б.
2. Желтобрюхов, С. П. Допрос свидетеля (потерпевшего) путем использования систем видеоконференц-связи / С. П. Желтобрюхов // Российская юстиция. – 2011. – N 8. – С. 43- 44.
3. Ищенко Е.П., Топорков А.Л. Криминалистика: Учебник / Под ред. Е.П. Ищенко. – М. – 2010. – С. 398.
4. Бертовский Л. В. Допрос: тактика и технологии. — М.: Экзамен, 2015. — 22 с.
5. Kriminalistik taktika: Darslik / Т.В. Mamatkulov, Sh.Т. Djumanov, U.Т. Turgunov va boshq. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2013. – 90 б.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 8 Солнома-Тўйтепа. - Тошкент: «Давлат илмий нашриёти», 2004. - 237 б.
7. <https://uz.wiktionary.org/wiki/vosita>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.11.2022 й)
8. Kriminalistik taktika: Darslik / Т.В. Mamatkulov, Sh.Т. Djumanov, U.Т. Turgunov va boshq. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2013. – 12 б.
9. Тыщенко П. П. Тактика и психологические основы допроса : учебное пособие / под ред. Ю. А. Алферова. М., 1994. С. 10.
10. Порубов Н.И. Научные основы допроса на предварительном следствии. Минск, 1978. С. 23–24.
11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.11.2022 й)